O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Ислом КАРИМОВ:**

**ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ, ШУ ЮРТДА ЯШАЁТГАН ҲАР ҚАЙСИ ИНСОННИНГ ЭСОН-ОМОНЛИГИ БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИМИЗ ВА БОЙЛИГИМИЗДИР. БУ БОЙЛИКНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ҚАДРИГА ЕТИШ — БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР.**

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2000 ЙИЛ
8 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

№ 66 (26.616).

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМПИЯ ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТ СПОРТЧИЛАРИНИ СИДНЕЙ ШАҲРИ (АВСТРАЛИЯ)ДАГИ XXVII ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашда, ёш авлодни миллий ғурур ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек спортчилари эришган ютуқларнинг ғоят катта аҳамиятини эътиборга олиб:***

1. Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси Халқаро Олимпия Қўмитаси томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг расмий вакили деб ҳисоблансин.

2. XXVII Олимпия ўйинларида совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, Ватанимизнинг спортдаги шон-шуҳратини кўпайтиришга улар қўшган муносиб ҳиссани эътироф этиш мақсадида, қуйидаги миқдорларда бир йўла бериладиган мукофотлар белгилансин:

**олтин медал учун**
***— 100 000 АҚШ доллари;***
**кумуш медал учун**
***— 50 000 АҚШ доллари;***
**бронза медал учун**
***— 25 000 АҚШ доллари.***

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан бирга юқорида кўрсатилган пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси XXVII Олимпия ўйинларига бағишланган лотереяни ўтказишдан олинган даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинсин, бунда тушган маблағлар XXVII Олимпия ўйинларига Ўзбекистоннинг спорт делегациясини тайёрлаш ҳамда иштирок этишига мақсадли йўналтирилиши шарт;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон спортчиларини XXVII Олимпия ўйинларида қатнашишга тайёрлаш ҳамда иштирок этишларига йўналтирилган ҳомийлик маблағлари тегишли равишда даромад (фойда) солиғи ёки жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин;

Ўзбекистон спорт делегациясини XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш ҳамда иштирок этишини таъминлаш учун аниқ мақсадни кўзлаб республикага олиб келинаётган махсус спорт ускуналари ва анжомлари, спорт либослари божхона тўловларини тўлашдан озод қилинсин (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно).

4. Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитасининг буюртмаси бўйича Олимпия ўйинларида ўзбек спортининг муносиб намояндалари бўлмиш Ўзбекистон спорт делегациясининг аъзолари учун махсус спорт кийими тайёрлаб берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси XXVII Олимпия ўйинларига тайёргарлик даврида олимпия терма жамоаларига республиканинг барча спорт базаларида, улар қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар, ижара ҳақи тўламасдан ўқув-машқ машғулотларини ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги XXVII Олимпия ўйинларида республиканинг маданият ва спорт соҳасидаги ютуқларини тарғиб қилиш учун матбаа ва кино-видео маҳсулотлари тайёрлашни, шунингдек, Ўзбекистон терма жамоаларининг Олимпия ўйинларига тайёргарлиги ҳамда иштирокини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 7 июнь

## «ЭРТАКЛАР МАМЛАКАТИ« ҚУРИЛДИ

Самарқанд шаҳридаги Марказий истироҳат боғида кичкинтойлар учун янги томошагоҳ барпо этилди.

Бу томошагоҳни «Эртаклар мамлакати» деб номладик. Оромгоҳга келган болажонлар кўплаб эртак қаҳрамонлари билан яна бир бор учрашадилар. Товус, япон товуғи, каптар каби парранда ва қушлар тароватидан завқланиб, аттракционларда маза қилиб ўйнайдилар, — деди Марказий истироҳат боғи директори Фарҳод Жалилов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Эндиликда болаларнинг ёзги таътил ойлари сермазмун ўтиши учун янги спорт майдончаси қураяпмиз.

## XXI АСР ХОТИН-ҚИЗЛАРИ

БМТ Бош Ассамблеясида иш бошлаган Махсус сессия «2000 йил хотин-қизлари: йигирма биринчи асрда аёллар ва эркаклар тенглиги, ривожланиш ва тинчлик» деб номланади. Унда 188 давлат ва 1250 нодавлат ташкилотларининг вакиллари иштирок этмоқда.

Ушбу халқаро анжуман 1995 йил хотин-қизлар мавқеини яхшилаш бўйича Пекинда ўтказилган тўртинчи Жаҳон конференциясидан сўнг эришилган ютуқларни муҳокама қилишга ҳамда эркак ва аёллар тенглигини таъминлаш борасидаги амалларни мувофиқлаштиришга бағишланган.

Сессия иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси делегацияси раҳбари, Бош вазир ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломованинг маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар. Нотиқ ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенг эканини таъкидлади. Маърузада республика ҳукумати томонидан хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ҳуқуқларини таъминлашда олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида тўлиқ маълумот берилди.

Махсус сессиянинг биринчи иш кунида ўттизта давлатнинг делегатлари маъруза қилди. 9 июнгача белгиланган анжуманнинг якунига қадар 205 нафар маърузачиларнинг чиқиши кўзланмоқда. Махсус сессия ишининг якунида Сиёсий декларация ҳамда «Келгуси амаллар ва Пекин декларациясининг бажарилиши бўйича ташаббуслар ва ҳаракатлар платформаси» деб номланган ҳужжат қабул қилинади.

■ **Б.МАМАЖОНОВ**
**«Жаҳон» АА**
**Нью-Йорк шаҳри.**




Абдувоҳид ТЎРАЕВ(ЎзА) олган сурат

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## «ТАДБИРКОР БОЗОР ҚУРДИ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 15 апрель сонида чоп этилган «Тадбиркор бозор қурди» сарлавҳали мақола Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги вакиллари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам Шаҳрисабз тумани ҳокимининг 1999 йил 23 февралдаги 56-сонли фармойишига асосан бюджетда маблағ бўлмаганлиги сабабли Ж. Усмоновга улгуржи бозор қурилишини ўз маблағи ҳисобидан давом эттиришга рухсат этилган. Бозор қурилиши Ж. Усмонов томонидан тугалланиб, айни пайтда фаолият кўрсатмоқда.

Бозорга тадбиркорларни кенгроқ жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Шаҳрисабз туман ҳокимлигига мурожаат этган барча тадбиркорларга улгуржи бозордан жой ажратилиб, улар гувоҳнома билан таъминланмоқда. Ҳозирги кунда улгуржи бозор ҳудудида 70 дан ошиқ тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Шаҳрисабз тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни улгуржи бозорга кўчириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шаҳрисабз тумани ҳокимлигига тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улгуржи бозорни тўлиқ ишга тушириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш топширилди.

■ **Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари**
**А. ЛИХИН**

**ЛУҚМА**

## БУ ЙЎЛДАН «КАТТАЛАР» ЎТАРМИШ

Қарши туманидаги Кўчкак қишлоғида Ҳошим бува, Нор бува деган отахонлар бор. Етмишга яқинлашиб қолишди-ёв. Шунга қарамай, фақат қишлоқ ва қишлоқдошлари дарди билан яшашади.

Ҳавасинг келади-да. Қани, энди ҳамма ҳам шунақа бўлса. Йўллар тўғри келиб қолган экан, яқинда учрашиб қолдик. Бир вақтлар ўзининг анжири билан маълуму машҳур бўлган бу қишлоққа ҳозирги кунда сув танқислиги боис одамлар томорқасидаги экинтикинлар афтода ҳолда эканлиги, боғлар, айниқса, анжир дарахтлари қуриб қолаётганлиги хусусида куюнчаклик билан гапиришди. Уларга бу тўғрида «Насаф» жамоа ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Гулмурод Рўзимуродов билан суҳбатлашишга ваъда бердим.

Ваъдага биноан ўша хўжаликка бордик. Хўжалик раҳбари йўқ экан. Котиба кўп ўтмай айланиб келиб қолиши ёки телефон қилиши мумкинлигини айтди. Дарҳақиқат, бир вақт қўнғироқ бўлди. Хўжалик раҳбари экан.

— Катта йўлдаман, — деди у. — Эрта-индин шу йўлдан катталар ўтармиш. Шунинг учун «уборка» қилдираяпман. Учрашолмасак керак. Ҳар ҳолда эртагача шу ерда бўлишим керак. Кетиб қолсам яхши бўлмас...

Хўжалик ҳудудида тозаликка эътибор берилаётган экан, бундан биз мамнунмиз. Бироқ бир нарса ўйлантиради кишини. Йўлнинг тозалиги фақат «катталар»нинг ўтишига боғлиқми? Тозалик кунда керак эмасми? Яна бир нарса. Нега биз ўзимиз учун зарур бўлган кундалик юмушни қандайдир қўрқув ёки буйруқлар измида бажаришимиз керак?!

Афсус, кўп жойларда шунга ўхшаш ҳолатларнинг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу қадар сохталик ва дабдабабозликлардан қачон қутуламиз? Эсингизда бўлса, собиқ қизил империя ҳукмронлиги йилларида катталар келадиган бўлса, ён-атроф тугул, йўллар чети ҳам ем-хашаклар тахланган «присс»ларга тўлиб ётарди. Бу эса «фолонча фалончаевич, кўнглингиз хотиржам бўлсин, бизда ем-хашак муаммоси йўқ...», сингари маънони англатарди.

Оллоҳга минг бора шукр, мустақил бўлдик. Кўпгина ютуқларни қўлга киритдик. Бироқ, айримлар ҳали ҳам кўзбўямачиликдан, «ура, ура!»лардан воз кечолмаяптилар, шекилли.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

**ЙИЛ ОЙ КУН**

## СИГИРЛАР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ



Газетанинг шу йил 18 апрель сонида «Остонадаги божхона» номли танқидий мақола чоп этилган эди. Яқинда Тошкент вилояти божхона ходимлари томонидан тортиб олинган 2 та сигир ва бузоқлар эгаларига қайтарилганлиги тўғрисида хушхабар эшитдик.

**80 ФОИЗ**

Ўрмон кесилиб бўлибди, дейилади хорижий оммавий ахборот воситаларининг хабарларида. 163 турдаги дов-дарахтлар эса «Қизил китоб»дан жой олибди. Аҳвол шундай давом этса, эртани, табиат ва жамият мутаносиблигини ким ўйларкан?

## ОШ ТУЗИ ИЗЛАБ...



Истеъмол қилмасанг бўлмайди, лекин кўпи зарар, дейишади. Албатта, ҳеч бир егуликни тузсиз тасаввур этиш қийин, деб ёзади **Музаффар Шаропов**. Тузнинг хосияти бисёр. Айни пайтда шифокорлар тузнинг йодлангани фойдали эканлигини ҳамиша уқтириб келадилар. Тан олиш керак, Бухоро, Навоий тарафларда бундай туз анқонинг уруғи бўлиб қолди-ёв. Ахир, икки ҳудудда етарли туз конлари бор, нега энди одамлар ош тузи излашлари керак?

## АНТИҚА ДАРОМАДГА МАДАД



Жиззах вилоятидаги «Уйжойжамғармабанк»нинг Жиззах вилояти бўлими аҳолида банк хизматларига ишонч орттириш мақсадида омонатнинг «Антиқа», «Даромад» ва «Мадад» сингари турларини жорий этди. Аҳолидан олинадиган кўпгина тўловлар омонатлардан олиниб, банкнинг ўзида амалга оширилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида 40349 минг сўмлик тўловлар қабул қилинди.

## ҚОВУН САЙЛИ

Юртбошимиз сирдарёлик сайловчилар билан бўлган учрашувда бир пайтлар Мирзачўл шуҳратини бутун мамлакатимизга ёйган қовун сайлини тиклаш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдилар, деб хабар беради мухбиримиз **Абдужалил Умаров.**



Мана, ниҳоят ўша кун келди. Сирдарё вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан шу йил 1 сентябрь куни Сирдарё вилоятида қовун сайли ўтказиладиган бўлди.

Қовун сайлига республикамиздаги барча вилоятларнинг моҳир полизчилари таклиф этилади.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ тайёрлади**

# ҒАЛЛАКОРНИНГ ИШИ ЮРИШСА

**Бугун деҳқончиликда даромаднинг кўп қисми техникани янгилаш, таъмирлаш ва қайта тиклашга сарфланаётир. Бироқ, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилаётганлар бу соҳада ҳам кам бўлган эмас. Меҳнатга яхши муносабат туфайли бирини икки қилишаётирлар.**

Бу йил ҳам Янгийўл тумани деҳқонлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида олдинда боришга аҳд қилишган. 6 минг 800 гектар ерда етиштирилган ғалла ҳосили буни исботлаб турибди.

— Бугун-эрта ёппасига ғалла ўрим-йиғимига киришамиз. Бунинг учун 6 та «Кейс», 19 та «Енисей» ва «Нева» русумли комбайнларни тахт қилиб қўйдик, — дейди туман ҳокими биринчи ўринбосари Рустам Фозилов. — Чунки бу йил ҳосил эрта пишди. Агар биз қисқа кунларда ўриб-йиғиб олмасак, гектар ҳисобига 4-5 центнер ғаллани йўқотишимиз мумкин. Натижада пешона тери эвазига етиштирилган ғалла, халқимизнинг ризқи кўкка совурилади. Омилкорлик билан иш юритсак, насиб этса, бу йил ҳам эл-юрт маъмурчилиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг роҳатини албатта кўрамиз.

Туман МТПда бўлиб техникаларни кўздан кечирдик. Эҳтиёт қисмлар заҳирага тайёрлаб қўйилган. Туман МТП ҳиссадорлик жамияти раиси Шуҳрат Авазовнинг айтишича, ўтган йили ҳар бир «Кейс» билан 500 гектар ғалла ўрилган, яъни ҳар бир техника билан 5 миллион 364 минг 800 сўмлик иш бажарилган. Бу йил эса 700 гектардан ғаллани ўриш, ёки 11 миллион 800 сўмлик иш бажариши кутилмоқда. Умуман бу йил «Кейс» комбайнлари билан тумандаги мавжуд ғаллазорларнинг ярмидан кўпи йиғиштириб олинади.

Бугун барча жойларда бўлгани сингари Янгийўлда ҳам бу муҳим мавсумга тайёргарлик авжида. Пайкаллар боши ва охири текисланмоқда. Муҳими, деҳқон муваффақиятининг бош омили замонавий техника экан, ундан узоқ муддат ва самарали фойдаланишга эришиш ҳам деҳқоннинг ўзидан фидойиликни талаб этади.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# «КЎТАРМА»ДАГИ КЕМПИНГ

Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Хўжаобод туманининг «Кўтарма» қишлоғидаги кемпингда кўпчиликка кўнгилдагидек хизмат кўрсатиляпти. «Ўзавтосаноатсервис»га қарашли бу хизмат масканида ювиниб-тараниш, бироз ҳордиқ олиш, мўъжаз ва шинам ошхонада овқатланиш, чарчоғингизни чиқаришга қулай шароит яратилган. Муҳаммадқодир Содиқов бошчилигидаги ходимлар буюртмангизга биноан миллий таомлар ҳам тайёрлаб беришади. Дам олиш пайтингиз мароқли ўтишига эътибор билан қарашади.

Автомобилларга ёнилғи қуйиш бир пиёла чой ичгунингизча бажарилганидан хурсанд бўласиз. Дилшодбек Қодиров сингари операторлар сидқидилдан ишлагани учун ҳайдовчилар, доимо раҳмат айтишади. Автомашиналарни таъмирлашда малакали усталар оғирингизни енгил қиладилар. Ҳожатбарорлик асосида хизмат қиладилар. Автомашиналарга техник қаров ҳам тез ва сифатли уддаланганганидан кўнглингиз тўлиб йўлга чиқасиз.

— Йўловчию ҳайдовчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида замонавий лойиҳа асосида меҳмонхона қуришни режалаштирдик, — дейди кемпинг менеджери Мухторжон Содиқов. — Ҳар доим талаб-эҳтиёжларни ўрганиб бориш фаолиятимизни янада кенгайтириш имконини беради.

Йўлларнинг кенг ва равонлиги, юртимиз ободлиги «Кўтарма» қишлоғидагидек жаҳон андозаларида қурилган кемпингларнинг кўпайиши ҳамюртларимиз билан бир қаторда шаҳарлараро юк ташувчи хорижлик ҳайдовчиларга ҳам қулайликлар яратади. Бу ҳам ўзбекона меҳмондўстлигимизни амалда намоён этиб, юртимизни элларга танитади.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

## ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

**1991 — 2000**

### 1998 ЙИЛ

**26 ноябрь.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят партия ташкилотининг Оила йилига бағишланган тадбирларни ўтказишда бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Шунингдек, Котибият Андижон, Жиззах, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоят партия кенгашларининг ахборотларини тинглаб, «Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларига 1999 йил учун обунанинг бориши ҳақида» қарор қабул қилди.

**22 декабрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIII сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар ва ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан МК Сиёсий ижроия қўмитасининг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди ҳамда уни сессияда ифода этиш партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоларига тавсия қилинди.

**22 декабрь.** Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

**24 декабрь.** Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция йиғилишидаги (1998 йил 22 декабрь) маърузаси матбуотда чоп этилди.

*(Давоми бор).*

# ЙИЛҚИЧИЛИК: ҲАЛИ КЎП ИШЛАШ КЕРАК

Тахминан олти минг йилдан буён от инсон билан ёнма-ён яшаб келяпти. Меҳнатимизни енгил қилишда хизмат қилган — улар ёрдамида ер ҳайдалган, оғир юк, жанговор мосламалар ташилган, жангчиларга кўмакчи бўлган, қолаверса, барча транспорт воситаларининг қувватини ўлчашда от кучи нисбат қилиб олинади. Хуллас, от ўзининг ҳайкалини тиллада, кумушда, бронза ва пўлатда абадийлаштирди.

Лекин ҳаётимизга механика ва автоматика кириб келиши билан отга зарурат қолмади, деб ўйлаш натижасида йилқичилик талофотга учради. Отлар чорвачиликда қўлланиладиган ойлик ва йиллик статистик маълумотлардан чиқариб ташланди. Қолаверса, 1960 йилларда Хрушчев томонидан отга эҳтиёж қолмади, деб қабул қилинган қарор йилқичиликка жуда катта путур етказди ва отлар сони 38 миллион бошдан 1990 йилларга келиб 5,6 миллионга тушиб қолди, яъни 6,5 баробарга камайди.

Айнан бу даврда хорижий давлатларда отларнинг сони 120 миллиондан 66 миллионга тушганлигини кўрамиз, демак хорижий давлатлардаги отлар сони фақат 1,5-2 баробар камайган. Айни пайтда АҚШ, Германия каби ривожланган давлатларда отлар сони ошган.

Йилқичилик қишлоқ хўжалигида самарали восита. Бугунги кунда ҳам йилқичиликка панжа орасидан қараётганлар йўқ эмас. Шунинг учун тарихни бир эслашга уриниб кўрайлик. Республикамизда урчитилган «Акбар» лақабли от ва унинг авлодлари дунё миқёсидаги от спорти ўйинларида қатнашиб, биринчи ўринни олгани боис, тармоққа 18 миллион сўм даромад келтирган, қолаверса, машҳур цирк ўйинчилари Тошкенбоев ва Зариповлар сулоласи турли хорижий давлатларда қорабайир отларининг донғини таратган.

Оҳангарон туманидаги Навоий жамоа хўжалиги, Жиззах вилоятидаги № 76 от заводи, Самарқанд вилояти Булунғур туманида олиб борилган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, от сони кўп бўлган хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи анча яхши. Демак, отни йўқ қилиш эмас, аксинча улар сонини кўпайтириш зарур.

Ҳозирги кунда деҳқон, фермер, ширкат хўжаликларида самарадорликни оширишда йилқичиликдан кенг фойдаланиш айни муддао.

Бундан ташқари от сути шифобахшлиги билан ажралиб туради. У сил касаллигини даволашда ишлатилади. Биологик хусусияти бевосита боғлиқ бўлгани учун елиндаги сутни тез ва қисқа муддатда соғиб олиниши мақсадга мувофиқдир. От сутининг фойдали хусусияти кўп бўлишига қарамай отларни соғиш ва сут ишлаб чиқариш республикамизнинг йилқичилик хўжаликларида деярли ташкил этилмаган.

Демак, кўриниб турибдики, йилқичилик соҳасида ҳали кўп ишлашга тўғри келар экан.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



***Бухоро вилояти ғалла майдонларида ҳам ерга қадалган барака уруғи ҳосилга кириб қолди. Бу йилги мавсумда бухоролик ғаллакорлар 400 минг тонна ҳосил кўтариш ниятида ўрим-йиғим ишларини бошлаб юбордилар. Айниқса, Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд номли ширкат хўжалиги далаларида иш қизғин бормоқда. Улар бу йилги «қирмизи дон»ни тез ва соз суръатларда ўриб олишда «Кейс» комбайнларидан унумли фойдаланишмоқда.***

**Суратда:** ***(ўртада) Баҳоуддин Нақшбанд номли ширкат хўжалиги раиси Раҳмон Ашуров механизаторлар Ғолиб Боқиев ва Фозил Насриддиновлар билан.***

■ **Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат**

# ГАЗЕТА ЎҚУВЧИСИНИ ТОПСА

Эзгулик, яхшилик, инсонийликка етакловчи йўл — маърифатдир. Айниқса, ёшлар тарбиясида бу асосий ўрин тутади. Қаердаки маънавиятга ошно қалблар бисёр бўлса, ташаббус, ривожланиш бўлади. Бир сўз билан айтганда, маърифат ва маънавият ёшлар тарбиясининг гултожи. Шундай экан, ёшлар онгида билимга чанқоқлик, тиришқоқлик, қизиқувчанлик ҳиссини уйғота билиш даркор. Қулай шарт-шароит, имконият туғдириш лозим. Шундагина кўзланган мақсадга, орзу қилинган манзилга илдам етамиз.

Лекин шундай бўлса-да, баъзан нонкўрлик қилаётган ёшларимиз ҳам учраб турибди. Бундан кўз юмолмаймиз, албатта. Ёмон йўлга кириш, безорилик, ўғрилик каби салбий иллатлар аввало бекорчиликдан бошланади. Бекорчиликнинг туб илдизи эса билимсизлик.

— Бугунги кунда нашрларга обуна бўлувчилар сони бироз ортди, — дейди Денов почта филиали директори Одилжон Хидиров. — Бундан 4-5 йил илгари ҳар мингта муштарийга 35-40 та газета-журнал тўғри келарди. Демак, бугун халқнинг онгги, шуури, дунёқараши тубдан ўзгара бошлади.

Афсуски, баъзи туманларда муштарийларга яратилаётган шароитлар ҳамон эскича қараш наздида бўлиб келмоқда. Бугунга келиб Узунда атиги иккита газета-журнал сотиладиган дўкон фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳам ишлаганидан, эшигига қулф осилган вақти кўпроқ. 2-дўкон ойнасида: «Тапчан қилиб бераман», «Хонтахта сотилади», «Уй ижарага берилади», деган эълонлар ёпиштирилган. Аммо дўкондан бирорта ҳам газета-журнал тополмадик.

— Яхшиямки, телевизор-радио бор, — дейди ҳамкасбимиз Маъмуржон Ботиров. — Бўлмаса узунликлар оламда содир бўлаётган янгиликлардан, билмадим, қачон хабардор бўлишарди?

Узун почта филиали директори Абдурасул Муродовга туман ҳокимлигидан ҳам марказий газеталарни тополмаганимизни айтганда аввалига у гапимизни инкор этди ва қаергадир сим қоқди. Гўшакдан аёл кишининг: — Ҳа, олиб бориб беряпмиз. Ҳозиргина «Программа»ни ташлаб келдим, деган овози эшитилди...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, оламшумул дунё янгиликлари ҳар биримизни қизиқтиради, албатта. Шундай экан, маърифат, нур, зиё тарқатувчи матбуот нашрлари ўз вақтида муштарийсини топиши маъқул эмасми?..

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Қўшни Қирғизистоннинг Қадамжой ва Ўзбекистоннинг Фарғона туманлари аҳолиси асрлардан буён ёнма-ён яшаб, бир ариқдан сув ичишади. Улар орасидаги дўстлик ришталари ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам. Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши ташаббуси билан ҳар иккала туман ҳудудида ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлик кунлари ўтказилди.

Қирғизистоннинг Холмиён ва Ўзбекистоннинг Водил қишлоқларида ўтказилган тадбирларда ҳар иккала томоннинг меҳнат жамоалари вакиллари, фан ва маданият арбоблари, шоирлар, санъаткорлар иштирок этишди. Учрашувларда ЎзХДП вилоят Кенгаши биринчи котиби А.Эгамбердиев, Қадамжой туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Эргашев ва бошқалар сўзга чиқиб, икки қардош халқ дўстлигини янада мустаҳкамлашдек хайрли ишларга равнақ тиладилар.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — АМАЛДА**

# ПЕДАГОГ КАДРЛАР АТТЕСТАЦИЯСИ

Халқ ва жамиятнинг келгуси истиқболи, тақдири бугунги таълим муассасаларида илм ва касб-ҳунар ўрганаётган ёш авлодга боғлиқ. Таълим-тарбия мазмуни, савияси мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатининг натижасини белгилайди. Шу жиҳатдан ўз келажагини ўйлаган миллат, давлат таълим ислоҳотлари орқали маънавий етук авлодни тарбиялаш ва улар учун замонавий шарт-шароитлар яратишни биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар деб қарайди. Ўтган қисқа даврда ҳар томонлама баркамол, иймон-эътиқоди мустаҳкам, билимли, фидойи, ватанпарвар ва халқпарвар кишиларнинг Ватан истиқболига ишончи тобора ортиб бормоқда.

Дарвоқе, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида ўқув-тарбия ишлари мазмунини замон талабларига мувофиқ ўзгартириш, профессор-ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг билим савияларини, педагогик маҳоратларини тубдан яхшилаш орқали давлат ва жамият олдига қўйилган энг эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин. Президентимизнинг ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда олий мактабларнинг замон тараққиётидан орқада қолаётганлигини такрор-такрор таъкидлашлари бежиз эмас. Бинобарин, бу соҳадаги ислоҳотларга жиддий ёндашмасак, таълим муассасалари давр тараққиётидан орқада қолавериши шубҳасиз.

Айтиш жоизки, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш давр талаби ва тақазосидир. Ислоҳ замирида келажаги буюк давлат яратиш мақсадимиз бор. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тарихий аҳамиятга эга.

Юқоридаги долзарб муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 11 мартда «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида» 109-сонли қарорининг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш, уларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш, ташаббускорлик ва ижодий фаолликни ривожлантириш ҳамда кадрларни жой-жойига қўйишни таъминлаш мақсадида олий ўқув юртлари (ОЎЮ)нинг «Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа кафедраларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар аттестацияси ўтказилди.

Аттестацияда «Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа кафедраларининг 606 нафар профессор-ўқитувчилари қатнашиб, улардан 364(60,1%) нафари лойиқ, 27 (4,5%) нафари нолойиқ ва 133 (21,9%) нафари шартли равишда лойиқ деб баҳоланди. Бундан ташқари, меҳнат фаолиятини бошлаганига 1 йил тўлмаган профессор-ўқитувчи ва ҳомиладорлик таътилидан қайтган ходимларнинг 82 (13,5%) нафари билан суҳбат ўтказилди. Аттестацияда иштирок этган 104 нафар кафедра мудирларидан 42 (40,4%) нафари эгаллаб турган лавозимига лойиқ, 3 (2,9%) нафари нолойиқ деб топилди ва 21 (20,2%) нафари олти ойдан кейин қайта аттестациядан ўтказиш шарти билан ўтди. Ўз лавозимида бир йилдан кам ишлаётган 38 (36,5%) нафар кафедра мудирлари суҳбатдан ўтказилди.

Комиссия аттестация қилинган профессор-ўқитувчи ва кафедра мудирларининг қуйидаги камчилик ва хатоларга йўл қўйганликларини ҳисобга олиб, эгаллаб турган лавозимларига нолойиқ деб топди:

— «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақида тўлақонли тушунча ва тасаввурларининг йўқлиги;

— Президентимиз И. А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан бўлиб ўтган учрашувида кун тартибига қўйилган муҳим вазифаларни билиб олмаганликлари;

— мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий ва сиёсий ислоҳотлар ҳақида кенг қамровда фикр-мушоҳадалар юрита олмасликлари;

— илғор ва янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари ҳақида етарли тасаввурга эга эмасликлари;

— сўнгги уч йилда монография, дарслик, ўқув қўлланмалар, республика ва хорижий илмий журналларда илмий, илмий-методик мақолалар нашр қилмаганликлари;

— республика, халқаро илмий-назарий, илмий-амалий ва илмий-методик конференция, симпозиумларида қатнашмаганликлари;

— кафедраларда назарий-методологик, илмий-назарий ва илмий-методик семинарларни ташкил этмаганликлари;

— ЎзР ФАнинг «Фалсафа ва ҳуқуқ», Тарих институтлари ҳамда таянч ОЎЮлари билан ўзаро илмий алоқаларининг камлиги.

Дастлабки аттестациядан шартли равишда ўтган 91 нафар ҳамда 13 нафар ўз лавозимида бир йилдан зиёд ишлаётган кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилар билан 6 ой муддатдан сўнг қайта аттестация ўтказилди. Унда жами 108 нафар, жумладан 12 нафар «Ўзбекистон тарихи» ва 9 нафар Фалсафа кафедралари мудирлари ҳамда 44 нафар «Ўзбекистон тарихи» ва 43 нафар Фалсафа кафедралари профессор-ўқитувчилари қатнашдилар. Булар орасида дастлабки аттестацияда узрли сабаблар билан қатнаша олмаганлар ҳам бор.

Қайта аттестацияда иштирок этган 21 нафар кафедра мудирларидан 13 (61,9%) нафари эгаллаб турган лавозимига лойиқ, 6 (28,5%) нафари нолойиқ деб топилди ва дастлабки аттестацияда суҳбат тарзида қатнашганларнинг 2(9,6%) нафари шартли равишда ўтган бўлса, 87 нафар профессор-ўқитувчилар бўйича қуйидаги натижалар олинди: 62 (71,3%) нафари эгаллаб турган лавозимига лойиқ, 22 (25,3%) нафари нолойиқ деб топилди ва дастлабки аттестацияда суҳбатдан ўтказилганларнинг 1 (1,1%) нафари шартли равишда ўтди. Ишга янги қабул қилинган 2 (2,3%) нафар профессор-ўқитувчи билан суҳбат ўтказилди.

Аттестация натижалари шуни кўрсатдики, аксарият ОЎЮларининг «Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа кафедраларида таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот ишлари ҳамда кадрлар тайёрлаш масалалари талаб даражада бажарилмаяпти. Айрим профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятлари замон талабларига тўла жавоб бермайди. Баъзи юқори малакали кадрларнинг илмий салоҳиятларидан эса самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаган. ОЎЮлари файласуф ва тарихчиларнинг хорижий мамлакатлар олимлари билан илмий ҳамда ижодий ҳамкорлиги деярли йўқ ҳисобда (Ўзбекистон Миллий университетининг тарих ва фалсафа факультетларини ҳисобга олмаганда). Кафедралар бўйича «Ўзбекистон тарихи» ва фалсафа фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирлари орасида илмий даражалиларнинг салмоғи 67,5% ни ташкил этади. Аттестация жараёнида мамлакатимиз мустақиллигигача докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган профессор-ўқитувчиларнинг айримлари айни замонда республикамизда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий ўзгаришларни янгича мушоҳада қилишга интилмасликлари, янгича фикрлай олмасликлари аниқланди.

«Ўзбекистон тарихи» ва фалсафа фанларидан давлатчилигимизни ва миллий ўзлигимизни, энг муҳими, истиқлол мафкураси дунёқарашларини тўлақонли акс эттирган дарсликлар кам, борлари ҳам давр талабларига тўла жавоб бермайди. Уларнинг баъзилари таълим муассасаларида малакали экспертизадан ўтказилмаган, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг рухсатисиз чоп этилган, ниҳоятда саёз ўқув-услубий қўлланмалар мавжудлиги бу борадаги ишлар мувофиқлаштирилмаганлигининг далилидир. ОЎЮлари кутубхоналарининг зарур илмий журналлар, китоблар ва бошқа ахборот воситалари билан таъминланганлик даражаси ниҳоятда паст.

Аттестация натижаларидан айрим ОЎЮлари раҳбарлари тўғри хулоса чиқармаганлар. Жумладан, ТошФармИ «Тарих ва иқтисодиёт» кафедрасининг мудири, профессор Ҳ. Мамедов, БухДУ Фалсафа кафедрасининг доценти Р.Шокировлар дастлабки аттестациядан шартли ўтганлигига қарамасдан, ушбу ОЎЮлари Илмий кенгашлари уларни кафедра мудири ва доцент лавозимларига сайлаганлар.

«Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа кафедралари мудирлари ҳамда профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш асосида уларнинг савияларига бўлган талабни янада кучайтириш, малакали ва истеъдодли ҳамда ёш илмий-педагогик кадрларни ишга жалб этиш, илмий ва услубий ишларни мувофиқлаштириш ҳамда ОЎЮларини замонавий дарслик, ўқув ва илмий, илмий-оммабоп ва ўқув-методик қўлланмалар, дидактик ва тарқатма материаллар, диа ва видеофильмлар билан таъминлаш зарурлигини Олий таълим ва тармоқ вазирликларига эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Аттестация мақсади ва талаблари таълим муассасалари раҳбарлари ва тармоқ вазирликлари ҳамда идоралари томонидан ўз вақтида ўтказилган тадбир сифатида қабул қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларидаги «Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа кафедраларининг мудирлари ва профессор ўқитувчиларининг аттестацияси уларнинг иш фаолиятларини замон талаблари даражасида шаклланишига сезиларли ҳисса қўшди.

2. Ўзбекистон Миллий университети, ТДТУ сингари қатор ОЎЮларидаги «Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа кафедраларининг мудирлари ва профессор-ўқитувчиларининг аттестацияси уларнинг илмий ва ўқув-методик ишларининг фаоллашишига ҳамда педагогик кўникма ва малакаларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги, айни ҳолда, АндДУ, АндҚХИ, НамДУ, НукДПИ, СамДУ, ТошФармИ, ТошМадИ, ва ТАЙИ каби таълим муассасаларининг «Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа фанлари кафедра мудирлари ҳамда профессор-ўқитувчилари иш фаолиятларида масъулиятни сезмаганликлари маълум бўлди.

3. Аттестация жараёни кўрсатишича, кўп кафедраларда илмий даражали ўқитувчиларнинг сони ўртача кўрсаткичдан паст. Фалсафа фанидан ЖизПИ, НавДПИ, НукДПИ, ГулДУ, «Ўзбекистон тарихи» фанидан РақсХОМ, ТошКТИ, ТошДавКонс ва БухТИ каби ОЎЮлари бунга мисол бўла олади.

4. НукДПИнинг тарих факультети профессор-ўқитувчилари орасида «Ўзбекистон тарихи» ва Фалсафа фанларидан ўзбек гуруҳлари талабаларига ўзбек тилида дарс берувчи бирор нафар профессор-ўқитувчи ҳануз йўқлигича қолмоқда.

5. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган фан докторлари ва профессорларнинг илмий салоҳиятларидан самарали фойдаланилмай келинмоқда, пировардда улар орасида аспирант ва докторантларга илмий раҳбарлик ҳамда маслаҳатчилик қилмаётганликлари ҳамон мавжудлигича қолмоқда.

Аттестация таълим тизимига дахлдор барча мутахассислар зиммасига янги ва юксак масъулиятлар юклади.

■ **Юсуп МАҲМУДОВ, педагогика фанлари доктори.**
**Абдуваҳоб ИКРОМОВ, техника фанлари доктори.**
**Давлат тест маркази педагог, профессор-ўқитувчи ва раҳбар кадрларни аттестация қилиш бўлимининг бош экспертлари.**




# «ЎЗБЕКИСТОН: ЗАМИН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ»

Яқинда Миср Араб Республикаси Ахборот вазирлиги ҳузуридаги Телевидение ва радио уюшмаси «NILE SAT» маданият каналининг мамлакатимизга бағишлаб, сунъий йўлдош орқали Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги арабийзабон томошабинларига тақдим этган телекўрсатуви ана шундай номланади.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллаётгани, сиёсат, маданият-маърифат ва иқтисодда эришаётган ютуқлари араб давлатлари оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқишини тобора ўзига жалб этиб келмоқда.

Сунъий йўлдош орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилган мазкур дастурда мисрлик етук олимлар, жамоат арбоблари ва ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Томошабинлар мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, мамлакат табиий бойликлари, сармоя ётқизиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдилар.

Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий муаммоларни, хусусан, терроризм, экстремизм, наркобизнес каби иллатларни вужудга келтираётган Афғонистон можаросини бартараф этишдаги ташаббуслари, ички ва ташқи сиёсатдаги муҳим қадамлари телетомошабинлар диққатига ҳавола этилди.

Шунингдек, дастур доирасида Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан тақдим этилган «Бунёдкорлик» ва Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги тарихий обидалар ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

■ **Б. ИРИСОВ.**
***«Жаҳон» АА, Қоҳира шаҳри.***



АҚШ. Сиэтл кўчаларида. **Алишер РЎЗИЕВ олган сурат**

# ПАШШАГА ҚАРШИ ПАШША

Исроилда ғаройиб янгилик яратилди, яъни мамлакатдаги цитрус ўсимликлар уюшмаси, қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Арава тараққиёт бошқармаси ҳаммуаллифлигида тайёрланган бу янгилик лойиҳасига кўра асосан пашшалар стерилизациядан ўтказилади. Сўнг улар Исроил, Иордания ва Фаластин мухториятн ҳудудларига қўйиб юборилади.

Хўш, бу пашшаларнинг афзаллиги нимада? Улар мева дарахтлари ва асосан цитруслиларни йўқотаётган Ўрта Ер денгизи пашшасини йўқотишда қўлланилади. Бу пашшалар оддий пашшалар билан қўшилгандан кейин у насл бермайди, натижада бундай ҳашаротларнинг янги авлоди пайдо бўлмайди.

Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси ҳузуридаги Биологик ҳимояланиш институти доктори Норам Рамлевнинг айтишича, келишилган ҳудудларга самолётларда ҳар ҳафта шундай пашшалардан 10 миллионтаси сочилмоқда. Ва бу йил бир ярим миллиарддан ортиқ шундай пашша тарқатилади.

■ **Зилола ЖУМАЕВА тайёрлади.**

**ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК**

Тошкентда биринчи марта

**«ХИТОЙ ДЕВОРИ»**

**Мўъжизали цирк жанрларидан иборат томошалар 2 июндан бошлаб ҳар куни намойиш этилади.**

**Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги санъат мухлислари ҳам бу томошаларга бемалол марҳамат этишлари мумкин.**

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Ҳадра майдони, Цирк биноси.**
**Телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.**

**САИД АҲМАД — 80 ЁШДА**

# ЧОРБОҒДАГИ УНУТИЛМАС КЕЧАЛАР

## МЕНГА ХАРАЖАТДАН ГАПИРМА

Сўлим ёз ойлари. Дала боғим этагидан оқаётган дарё суви қуёшнинг иссиқ нурларини эмиб, яна ҳам оромбахш жилоланади, одамларга ҳам, табиатга ҳам роҳат-фароғат бахшида айлайди. Эрта тонг, қушлар чуғиридан уйғонасиз, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Ҳа, дунёнинг жаннати бу, деб хаёлимдан ўтказаман.

Шу дамда шаҳарнинг бетинч ҳаётини эслатувчи телефон қўнғироғи жиринглади.

— Мен Саид Аҳмадман.

Самимий саломлашамиз. Сўнг адибнинг одатдаги ҳазиломуз гаплари.

— Қайси шамоллар учирди?

— Меҳр шамоли, буёғини сўрасанг. Газетангга яхши бир ҳикоя ёзиб қўйдим. Танловда сўзсиз биринчиликни олади, — дейди адиб.

— Ҳикоянгиз ҳали қўлимга текканича йўқ. Ўқиб чиқамиз, кўрамиз — дейман муҳаррирлигим тутиб.

Кейин:

— Устоз Ғафур Ғуломнинг ҳам шундай одати бор эди, ҳикоя ёзилмасдан қалам ҳақи сўрардилар, — дейман ҳазиломуз.

— Биз ҳам Ғафур аканинг мактабини ўтганмиз. Ҳа, мен ҳам ҳикоямни ҳали ёзганимча йўқ, гапни қисқаси гапингдан эски даврнинг ҳиди келаяпти, ўқиб чиқамиз, дейсан. Мен ёзгандан кейин бермай кўр-чи, ҳа мукофот ҳам меники, — дейди Саид Аҳмад ака жиддий.

Ўша қўнғироқдан уч кун ўтгач, Саид Аҳмад «Қишдан қолган қарғалар» деган ҳикоя битиб «Меҳригиёҳ» газетасининг танловига тақдим этди. Ҳикояни адибнинг боғида Неъмат Амин, мен биргалашиб ўқиб чиққан эдик. Фикрлар, мулоҳазалар ҳам бўлди. Устознинг ажойиб хусусиятларидан бири шогирдлар фикрини ҳам қадрлаш, эътибор.

Мени бир амаким бўларди, бир куни кўргани бордим. Кетиш олдидан бир фотиҳа қилинг, дедим. Шунда амаким: «Сен фотиҳа қил», дедилар. Ҳайрон бўлдим, «амаки сиз турганда»...

— Йўқ ёшларнинг дуоси ҳам тезроқ ижобатга ўтади, қани фотиҳа қил, — дедилар.

Демоқчиманки, Саид Аҳмад ака атрофидаги шогирдлари ҳаммаси бири-биридан ўткир, ўтоғич, улардан адибнинг ўзи ҳам кўп эътиборли маслаҳатлар олади. Устоз адиб, ёшлар ижодига баҳо беришда ғоят синчков, қаттиққўл, талабчан, ҳам меҳрибон. Уларни авайлайди, ҳақиқий истеъдодларни қўллаб-қувватлайди.

Хоразмлик шоир Матназар Ҳакимнинг туркум шеърлари-



ни «Меҳригиёҳ»га юбориб шу шеърларни танловга берсаларинг кўп савоб иш қилган бўласизлар, деб тавсиянома ҳам ёзиб юборган эди. Ҳақиқатдан ҳам ўша шеър муаллифи танловда рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

Эртаси куни Саид Аҳмад аканинг боғига бордим. Одатдагидек дарвоза тўғрисига стул қўйиб, сигарета тутатиб ўтирган эканлар. Қарасам, ҳаммаёқ остин-устун, уйда ремонт бошлаб юборибдилар.

— «Эскини олсанг, эсинг кетади», дейдилар, одамларга ўхшаб боплаб янги дача қуриб олсангиз бўлмайдими. Худога шукр пулингиз бор.

— Бўлди, бўлди, менга харажатдан гапирма, ремонтни ошналаримдан бири қилиб беряпти, Маъруфнинг ўғли Ҳамзага айт, ошхонамга мингта ғишт олиб келиб берсин.

— Ғишт ҳам текинга тушар эканда, Ҳамза қандай қилиб шун-ча ғиштни текинга олиб келиб беради, — дедим.

— Бўлмаса сен аралашма, Маъруф менинг жонажон ўртоғим эди, Ҳамза сахий, олижаноб йигит, нима қилса ҳам ота ўғли-да.

— Майли, ўзим айтаман, энди гап битта, ҳаммаёқ ремонт экан, шу ерда ўтирасизми чанг ютиб, қани юринг, боққа олиб кетаман, — дедим.

Саид Аҳмад ака ўйланиб қолди, дарров тушундим. Боғни ёлғиз ташлаб кетишга кўнгиллари йўқ.

— Тўхта бўлмаса, Нодирага бир қўнғироқ қилай, — деб айвонга кириб шаҳардаги уйга телефон қила бошладилар.

— Қайтиб келиб: Нодира ҳам сени гапингни маъқуллаб «Нимангизни ҳам қўриқлаб ўтирасиз ўша уйингизда» деди.

Шу дам Саид Аҳмад ака бир нарсани ўйлаб қолди. «Оббо, яна нима бўлди, айнаб қолдиларми» деб тургандим:

— Бир саҳийлигим тутиб кетди, — деб қолдилар.

— Юр, анави хонага кирайлик, — деб мени сув ёқасидаги нарсалар сақланадиган «склад»га бошладилар.

— Анави бедонни оч, девзира бор.

Қарасам бедон тўла гуруч.

— Ўша ерда бир килоли банка бор, гуручдан саккиз банкасини ўлчаб ол, — деб каттагина тўрва тутқаздилар.

Гуручни тўрвага солабошладим. Қарасам мендан кўзларини узмай қараб турибдилар. Санаб-санаб саккиз банка солдим. Яна солмоқчи эдим.

— Бўлди, кўп ҳаддингдан ошма, — деб дўқ урдилар.

— Энди саккиз банкани берган худо, икки банкасини бермайдими?— нима деркинлар дегандек банкани қўлимда тутиб оқсоқолга қараб турдим.

— Майли қўлинг қайтмасин, яна битта қўшақол. Бир банкани ҳам солиб яна адибга тикилдим.

— Худо айтганини қилақол, бор барака, ўн банка бўлақолсин, ўзинг ҳам... у ёғини айтмайман, — деб юбордилар. Бараварига куламиз.

Йўлга чиқдик. Кун иссиқ. Юнусобод бозорига тўхтаб майда-чуйда — гўшт, сабзи, иссиқ нон... деганларидек.

— Гўшт олмасанг ҳам бўларди. Мен олувдим.

— Холодильникдаги бир ойлик яхлаб ётган ўша эски гўштларними?

— Нега ундай дейсан, олиб келишганда янги эди.

— Қанча гўшт олдингиз?

— Бир килоча.

Бозор ёнидаги бир магазинга кириб қолган эдик, апельсин тушираётган экан. Саид Аҳмад ака апельсинни кўриб ҳаваси келди. «Бир килоча олволсак» деб тамшанадилар.

Сотувчига мен: «бир кило апельсинингиздан берсангиз» деган эдим:

— Ака кўриб турибсизку, мол қабул қилаяпман, — деб қолди.

Кейин қаршисида унинг терс гапидан жаҳли чиқиб ўқрайиб турган Саид Аҳмад акага «нега ўқраяпсиз» дегандек тикилиб қолди.

— Биласанми, ким билан гаплашаётганингни? — дедим жиддий менинг ҳам асабим бузилиб.

— Мелийсаданмисизлар? — деди бироз хавотирда магазинчи.

— Танимаяпсанми, бу киши Саид Аҳмад аканг-ку!

— Прокурормилар?

— Йўғ-ей...

— Ҳа, савдо министрлигида ишлайдиларми?

— Ёзувчи Саид Аҳмад шу киши бўладилар.

— Ёзувчиларми, нима бўпти, мен милийсадан деб ўйлабман.

— «Келинлар қўзғалони»ни кўрганмисан?

— Ҳа, киносини телевизорда кўрганман, зўр, жуда зўр, — деди йигит тиржайиб.

— Ўшани мана шу аканг ёзганлар.

— Қани, дўконга киринглар, бир чимдим ош қилаётган эдик, боқиб қўйган оқ қўзичоқлардан ҳам бор, — деб қолди.

Биз узр сўраймиз. Магазинчи йигит бир тўрва апельсинни тортмай-нетмай машинага олиб чиқиб қўйди.

Боғ томон кетамиз.

— Шуни ҳам текин қилдингиз, — дедим.

— Акаси жонидан, нима қилардинг мени сотиб. Сенга неча бор айтсам ҳам тушунмайсан, менга харажатдан гапирма деб.

## ОДАМ АТО КИЙИМИДА

Хуллас, куннинг авжи иссиқ вақтида дала боғимга етиб келдик. Ҳовуз лиммо-лим. Ариқларда сувлар оқиб ётибди. Сокинлик. Жазирама иссиқ бўлса ҳам, ғир-ғир шабада Зоғариқнинг муздек ҳавосини юзга уради.

Саид Аҳмад ака: «Ҳақиқатда ҳам ёзда боғинг жуда зўр бўлади, бу ердан иссиқда ҳеч қаерга кетмаслик керак. Курортга бориб нима қиласан?» дедилар, — кўйлакларини ечиб ташлар эканлар.

Тўрва очилди. Олачипор пижама, шими билан эскироқ тапичка. Соқол оладиган асбоблар. Тиш ювиш чўткаси эскироқ. Айтгандек салафанга ўралган бир шўрвали гўшт. Иссиқда яхидан тушиб, бироз ҳидланибди.

— Бу гўштни ташлаб юборсаммикин, бироз... — дедим.

— Нега энди, туппа-тузук гўшт-ку, унақа ношукур бўлма, мен кўрганларни сен кўрмагансан, увол бўлади.

— Ҳазиллашдим, узр...

— Нуқул мен олиб келган нарсани ерга урасан. Қайнатиб қўй, сен емасанг, ўзим ейман.

Адибнинг ярим ҳазил, ярим чин сўзларига эътибор билан қулоқ бериб гўштни яна қайта музлатгичга тиқаман.

Чой қўйиб, қозонга олов ёқилди. Қозонга ёғ солиб, қўлинг ўргулсин паловхонтўрани тайёрлашга киришдик. «Ошни ўзим қиламан» деб капкирни Саид Аҳмад аканинг ўзлари қўлларига олдилар.

Хуллас, ош ҳам дамланди. Эътибор ва эътиқод билан қилинган тошкентчасига айтганда «аччиқ-чучук» ҳам тайёр.

Саид Аҳмад ака ошни дамладию менга қараб:

— Бир чўмилиб олмаймизми? — деб ечина бошладилар.

Мен ҳам ечиндим.

— Болаликда маҳалладаги ҳовузда чўмилардик. Ҳаммамиз қип яланғоч, — деб қолдилар.

— Ҳа, биз ҳам, Юнусободдаги бир чорбоғда катта ҳовуз бўларди, калла ташласак бошимизга балчиқ илиниб чиқарди. Ўшанда қип яланғоч чўмилардик,— дедим.

— Ке, ука бир болаликни эслайлик... Боғинг тинч, ҳеч ким йўқ, атроф сув, эшиклар беркилган.

Қарангки, устоз аллома, Одам Ато кийимларида шалоплатиб калла ташлаб қолдилар. Бақириб-бақириб, шўнғиб сузиб, ҳовузни бошларига кўтарар эдилар. Ўзимни тўхтатолмай кетларидан мен ҳам сувга оёқ ташладим. Ҳовуз тўлиб-тошиб мавжланар, чарчаган, анча қариб қолган баданларга гўё ёшликни, беғубор болаликни қайтаргандек.

Чорбоғимда Саид Аҳмад ака билан қарийб бир ҳафта кечирган дамларим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Алломанинг ичи тўла гап, ҳали ёзмаган, айтмаган, дилида сақлаб юрган қўшиқлари кўп. Қувончли-бахтиёр дамлар, аянч-қисматга тўла изтиробли дақиқалар, ғаламис сотқинларнинг содиқ ўзбек ўғлонининг «миллатчилик»да айблаб юмалоқ хат битиб, туҳмат тошлари ёғдирганлари, ҳамма-ҳаммасини бошидан кечирди. Ўша «халқлар доҳийси»нинг қамоқ лагерларидаги кечирган хори-зорликлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Шундай ардоқли ёзувчининг ҳатто қамоқда ўлганларни кўмиш учун қўлига белкурак бериб, мурдани орқалатиб кўмишга олиб борганини кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Бу ахир қандай хорлик, инсон зотини ҳақоратлаш эмасми? Адиб илгарилари аянчли мудҳиш кунларни ёдга олишни истамасди. Боғда ҳамсуҳбат бўлган чоғимизда ҳам аввалига ўша машъум даврларни эслашга негадир кўнгли бўлмади.

Ҳа, ўшанда кечганлари юрагининг энг чуқур жойида деса қалби ёниб зада юраклар орқага тортиб кетадиган, айтолмай юрган сирли гаплар эди...

## ОҚ-ОЙДИН КЕЧАДА

Чорбоғга оқшом чўкди. Бақа тераклар орасидан баркашдек тўлиб Ой кўринди. Биз адиб билан сув ёқасидаги сўрига ёнбошлаб, хордиқ чиқарамиз, ҳаёт гўзаллигидан мамнун ва масрурмиз.

— Ой роса тўлишибди, қаранг, — дейман сигарета кайфини суриб хаёллари тўзғиб ўтирган Саид Аҳмад акага.

— Умр бўйи Ойга ҳавас қилиб бу сирли дунёни ардоқладик, куйладик, аммо биласанми ўша авахтада ётган кезларимда шу оймўма димиқ хонанинг туйнугидан мўралаб қоларди. Ойни болалигимдан оймўма дердим. Шунда юрагим ёниб, «Сен эркинсан, озодсан» дердим. Қани энди қанотим бўлсаю, шу зулмат ғам-андуҳли зах сассиқ хонани тарк этиб Она юртим Ўзбекистонимга учсам, деб диёримдаги сўлим оппоқ ойдин кечаларни қўмсардим?

— Сиз Саидахон опамиздан ташқари бирор қизни суйганмисиз? Уйланмоқчи бўлганмисиз?

— Ёшлигимда, очиқ айтсам, уйланишга пулим ҳам, давлатим ҳам бўлмаган. Саидахондан бошқа ҳеч кимни севмаганман. Биз бир-биримизга сирдош, эмакдош эдик. Ҳатто уйланганимда ишончимиз шундай эдики, ЗАГСдан ҳам ўтмаганмиз. Сургундан қайтиб келганимдан сўнг қонуний никоҳдан ўтдик. Аммо Саидахонга: «Халқ душмани, миллатчи эрингдан чиқ», деб зуғум қилишганида у шўрлик мен билан ЗАГСдан ўтмаганини ҳам ҳеч кимга айтмаган. Боғдаги унутилмас кечаларда Саид Аҳмад ака Саидахоннинг қамоқхонага ёзиб юборган хатларини эслади. «Беҳуда хаёлларга борманг. Сиз нима бўлсангиз, мен ҳам шундай бўламан». Ҳа, ўшанда Саидахон: «Қийноқ-қистовлар мени сиздан ажратолмайди» деб ёзиб юборган мактублари менинг кучимга куч қўшди. Адолат, ҳақиқат юзага чиқишига ишонч бахш этиб, руҳиятимни кўтарди, деб ҳикоя қилган эди адиб.

## САХОВАТЛИ ИШЛАР

Саид Аҳмад ака 80 ёшга кирган бўлса ҳам, ҳамон фикрлари теран, уйғоқ, бошқаларга ўхшаб занглаб қолмаган, истиқлолимиз билан ҳамнафас, ёшлардек фикрлайди. Унинг ёзган мақолалари, бадиий асарларини газета-журналлар жон-жон деб босишади. Айниқса, кейинги вақтларда адибнинг ўз устозлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, машҳур ёзувчи замондошлари Шуҳрат, Саида Зуннунова, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков ва адабиётимизда маълум бошқа қаламкаш ёзувчи-шоирлар ҳақида битган ёдномалари, эсдаликларига адибнинг энг саховатли, эътиборга лойиқ ишлари деб қарамоқ даркор. Кейинчалик ана шу ҳаётий, бадиий лавҳалар «Йўқотганларим ва топганларим» деган алоҳида китоб этиб ўқувчиларга тақдим этилди. Китоб эл меҳрига тушди, тезда сотилиб кетди. Энди яна қайта нашр этилмоқда.

Адабиётимиз бешигини тебратган машҳур адибларимиз, айниқса, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ёшлар ижодига, умуман адабиётга бепарво қарай олмас эдилар. Суюқ, бадиий бўш асар ёзган ёзувчиларга қаттиққўллиқ, билан муносабатда бўлишарди. Эсимда, катта бир йиғинда Ғафур Ғулом Сергей Бородиннинг Амир Темур ҳақида ёзган романини; «бу тарихни сохталаштириш, билмасанг нега ёзасан» деб қаттиқ танқид қилган. Шу боис ёш қаламкашлар бадиий асар устида ишлаганларида бу китобим ҳақида Ойбек нима деркин, Ғафур Ғулом-чи, Абдулла Қаҳҳорга маъқул бўлармикин деб ўйлашарди. Ҳа, биз қўлимизга қалам олганимизда ўшалар кўз ўнгимизда қараб тургандек туюларди. Минг томонини ўйлаб ёзардик. Масъулиятни ҳис этардик. Саид Аҳмад ўзининг «Йўқотганларим ва топганларим» китобининг сўнггида: «Ҳар гал ёзув столим ёнига ўтирарканман, қўлимга қалам олиб биринчи сатрларимни битар эканман ҳамон Абдулла Қаҳҳор елкамдан қараб турганга ўхшайверади. Унинг синчков нигоҳи умр бўйи мени таъқиб қилиб келаверади. Мен ҳам ёзганларимнинг ҳаммасини ҳамон унинг назаридан ўтказиб тураман». — деган.

Бу устоз адибнинг устозларига буюк ҳурмати, эҳтироми, қолаверса, ўзи шунча ёшга кирган бўлса ҳам, ижодига масъулиятининг далилидир. Энди ёш ижодкорлар Саид Аҳмадни ҳам ўз устозлари деб биладилар. Барча асар ёзиб тугаллагач, Саид Аҳмад акага ёқадими, устоз нима деркинлар, деб мулоҳаза қиладилар.

Саид Аҳмад аканинг яна бир ибратли одати ўз ҳаётида бирга ўсган, ижод майдонига бирга кирган қадрдон дўстларини ҳеч қачон ёддан чиқармади. Эслайман, бизнинг Себзордаги хонадонимизда марҳум қўшиқчи шоир, менинг қадрдон акам Маъруф Қориевнинг дўстлари: Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Мамадазиз Ниёзов, Охунжон қизиқ ва бошқа ижодкорлар тез-тез йиғилишиб туришарди. Маъруф акам урушга кетганидан кейин ҳам фронтдан ёзган хатларида кўпинча «Саид Аҳмад соғ-саломатми, унга салом айтиб қўй» деб ёзганлари ҳамон ёдимда. Саид Аҳмад ака янги китоби чиққанида менга ёзган дастхатида шундай дейилади: «Шоир Маъруф Қориев менинг болалик ўртоғим эди. Раҳматли яхши шоир, яхши ўртоқ эди. Умрининг охиригача дўст бўлиб қолди. Гўё у дўстлигимизни энди укам давом эттиради дегандек Мақсудни менга ташлаб кетди. Мақсуд акасидек вафодор, акасидек адабиётга умрини бағишлаган ижодкор бўлиб етишди. Менга Мақсуд ҳам ука, ҳам Маъруфдир. Ушбу китоб азиз Мақсуджон, ҳозирда мангуликка кетган устозларимизни, дўстларимизни ҳамиша эслатиб турсин.

**Ҳурмат билан Саид АҲМАД,**
2 октябрь 1998 йил».

Мана шу хатнинг ўзида ҳам ёзувчининг қалби дўстларга садоқати ифода этилган.

Куз фасли. Мевалар ғарқ пишган, ишкомларда тиллоранг хусайнилар етилган, қирмизи олмалар қуёш нурини эмиб жилоланади. Ўшанда шум хабар келиб қолди. Саид Аҳмад ака қаттиқ касал бўлибди, касалхонага олиб кетишибди деган. Саватга мевалар солиб шифохонага йўл олдим. Борсам, Саид Аҳмад ака беҳол, кўзлари юмилган, гўё кечган уқубатли кунларнинг дарди энди очилгандек туюлди менга. Бўлмаса, Саид Аҳмад ака соғлом, бақувват, ичиб-чекиб, сур гўштли палов еб юрган даврлари. Тепасида меҳрибон қизлари Нодира ўтирибди. Кўзида ёш. Карават четига ўтириб устознинг пешонасига қўлимни қўяман. Кўзлари очилди. Юзларида нимжон табассум кўринди. Ҳа, ўша ҳамиша ҳазил, қизиқчиликда йўғрилган ҳаётий табассум эди бу.

— Қизиқ, шу кеча туш кўрибман. Боғингиздаги ҳовузда чўмилаётган эмишман...

Нодира кулди, мен ҳам.

— Телепатиянгиз бор экан. Келишимни билибсиз. Сиз худо ярлақаган одамсиз. Ахир асли таги-тахтингиз саидлардан. Дўзох азобларидан омон чиққан инсонсиз. Тилимга шу гаплар келибди. Кейин:

—Ҳовузда чўмилиб юрганлигингиз соғайиб кетишингиздан далолат. Яхши туш кўрибсиз, яна ўша ҳовузларда чўмиламиз.

— Ўша кунларга етказсин, — дейди адиб бироз кўзига ёш олиб.

Мен ҳеч қачон Саид Аҳмад аканинг кўзида ёш кўрмаганман. Унинг иродаси мустаҳкам, ҳа, темирдек қаттиқ, бардошли. Унақа бунақа хасталикни касал демайди. Касалхонага ётмаган, ётмайди ҳам, «дори ҳиди келади» деб.

Инсон умрини дарёга қиёс этардим. Ҳа, қўшиқда айтилганидек, «Оқар дарё экан, оқди-да кетди», энди орқага қайтмас. Саксон йиллик сурони ҳаёт йўлида адиб кўрмаганини кўрди, тинмай ижод қилди, кичик ҳикоялардан катта ривоятларга, қисса-романларга, пьесалар, ҳажвий асарлар, ҳаётий муаммоларга бағишланган жанговар публицистик мақолалар... китоб, одамларга қолган яхшилик, озод-эркин Ўзбекистонимиз шарафини улуғлаш, фарзанд, неваралар Саид Аҳмад аканинг ҳаёт йўли, ижодий камолот йўли бу! Улкан адибимиз истиқлолимиздан боши кўкда. Энди у эл ардоғида, буюк хизматлари тақдирланди. Чинакам Халқ Қаҳрамони. Адибга муборак ёшида бахт-саодат, соғлиқ, истаганча умр тилайман.

■ **Мақсуд ҚОРИЕВ**

